

АБДУРАУФ ФИТРАТ АСАРЛАРИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Соипназарова Мукаддас, Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси
Синдарова Озода, Педагогика ва психология йўналиши 3-босқич талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада Абдурауф Фитрат асарларида ватанпарварлик ва халқпарварлик ғояларининг аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: миллат, миллий ғурур, маданий мерос, таълим, маърифат, илм, адабиёт, ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик, ғоя.

ЗНАЧЕНИЕ ТРУДА АБДУРАУФА ФИТРАТА В ОБРАЗОВАНИИ РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ

Аннотация: В данной статье подчеркивается значение идей патриотизма и национализма в творчестве Абдурауфа Фитрата.

Ключевые слова: нация, национальная гордость, культурное наследие, образование, просвещение, наука, литература, патриотизм, гуманизм, национализм, просвещение, идея.

Анъаналаримизни тиклаш, аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий – маърифий, маданий меросларни авлодларимизга беками кўст етказиб бериш каби муҳим вазифалар ўз аҳамияти жиҳатидан долзарб бўлиб қолди.

Маълумки, ҳар қандай миллат равнақида энг аввало шу миллат вакиллари, айниқса ёшларда миллий ғурурни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш учун эса ҳар бир миллатнинг тарихи, аждодлари бунёд этган моддий ва маънавий қадриятлар асосий манбалардан ҳисобланади. Қайси миллатнинг ўтмишида мана шу манбаа қанчалик салмоқли бўлса, ёшларда миллий ғурурни шакллантириш

тезроқ самарага олиб келади. Шарқ, балки, жаҳон цивилизацияси учун муҳим эканлиги айна ҳақиқатдир.

“Бу, авваламбор, таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, баркамол шахсни тарбиялаш билан боғлиқ эканини биз яхши англаймиз. 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида мазкур соҳа тубдан ислоҳ, қилинди, замонавий узлуксиз таълим – тарбия тизими яратилди” – деб таъкидлайди юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев.¹

Баркамол шахсни ҳар томонлама шакллантириш борасида буюк алломаларнинг ижодларига бўлган қизиқишларини янада мустаҳкамлашда Абдурауф Фитрат асарларини ўрганиш баркамол авлоднинг илмий дунёқарашлари, фикрлаш фаолияти, ҳис – туйғу ҳамда ижобий сифатларининг шаклланишига таъсир этади.

Абдурауф Фитрат Ватанни севди, Ватанни бизнинг валинеъматимиз деб билди.

Фитрат ўз асарларида Ватаннинг гўзаллигини тсвирлаб дейди:

Қардошлари, мана, сизга бир ўлка –

Ким, топилмас ер юзида сингари.

Ҳар ёнида кенг, ям – яшил учмоҳлар,

Жон сувидан етишгандир гуллари...²

Фитрат ўз ватандошларини азиз диёри Туркистонни севишга, уни асрашга чорлади. У ёшларга хитоб қилиб, уларни шу Ватан ва миллат саодати, бахти, равнақи учун фидойилик кўрсатишга, жасоратли бўлишга даъват этди:

Оғир йигит, сени гўзал, нурли кўзингда

Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқидим.

Ўйлашингда, турмушингда ҳамда ўзингда

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимишни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: Ўзбекистон. 2017 й. 31-бет.

²Абдурауф Фитрат. Чин севги. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996, 34-бет.

Бу юрт учун кутилишнинг борлигин кўрдим.

Турма – югур, тинма – тириш, букилма – юксал.

Хуркма – кураш, кўркма – ёпиш, йўрилма – кўзғал.¹

Фитрат «Хуррият» газетасида эълон қилган бир мақоласида шундай ёзади:

«... ҳар бир киши ўз кучи ва имкониятларига ишониши лозим. Кимки ўз кучига ишонмай, орзу қилган мақсадларига интилса, у, албатта, ярим йўлда йиқилиб қолади. Кимки ишонса, у, албатта, бошлаган ишини охирига олиб боради. Инсонга хос бу ҳис – туйғуларни биз миллатда ҳам кўрамиз. Ўзининг миллий кучларига ишонмайдиган миллатлар, албатта, пароканда бўлади. Ўз интилишларини амалга ошириш учун ташқаридан ёрдам кутаётган халқ секин – аста жарлик қаъригаағанайди...»²

Фитрат 1917 йил феврал ва октябр инқилоби оралиғида миллий кучларнинг бирликка интилиши ҳақида фикр билдириб, уларга хитоб қилиб деди:

«Туркистон мусулмонлари, келинг, Аллоҳ номи билан, пайғамбар, дин, миллат номи билан бирлашайлик: биздаги мавжуд даъволар ва синфий бўлинишларга кўзимизни юмайлик. Исломнинг бош амри номи билан, биродарлик ва бирлик номи билан, Аллоҳ учун, дин, ватан ва миллат учун биз барчамиз – жадидлар, қадимийлар, мулла ва бойлар бирлашайлик, бир жойга йиғилиб, бир – биримизга ёрдам берайлик».³

Фитрат илм – маърифатнинг жамият тараққиёти ва инсон камолоти, маданият ривожига муҳим аҳамиятга моликлигини юқори баҳолади.

Фитратнинг «Ўқув» китобидан ўрин олган «Имом Ғаззолий» номли ҳикояда баён қилинишича, Имом Ғаззолий ва Бағдод шаҳрида бир мадрасада ўқиб, уни тугатгач, китобларини хуржунга солиб, отга юклайди ва ўзи ҳам миниб, ўз шаҳрига йўл олади. Тоғ тепасига чиққанда қароқчиларга йўлиқади. Қароқчилар бутун бойлиги, китобларини олиб, уни яланғоч ҳолда

¹Ўша китоб, 36-бет.

² «Хуррият» газетаси, 1917, 4-август.

³ «Хуррият» газетаси, 1917, 15-июн.

колдирадилар. Имом Ғаззолий уларнинг кетидан кета беради. Шунда бош кароқчи орқасига қараб, уникўргач, орқаларидан бормаслигини, йўқса, бошини олишини айтади.

Ғаззолий ўтиниб китобларини қайтариб беришларини сўради. Китоб бўлмаса билимсиз бўлиб қолишини айтади.

Фитрат инсон камолотида оила, жамоа муҳим ўрин эгаллаши ва ақлнинг комил бўлиши, ахлоқий поклик, донишмандлик, шижоатлик, адолатлик каби инсоний фазилатларни улуғлади, инсон ақлий қувватнинг натижасисиз, ақлнинг раҳбарлигисиз саодатга эриша олмаслигини таъкидлади. Бу соҳада ўқитувчилар раҳномалик қилишлари кераклигини айтиб ўқитувчиларга мурожаат қилди, уларни турк элига тўғри йўллارни кўрсатишга чорлади:

Орқадослар, тўпланайлик жаҳлнинг уйин йиққали,

Эл кўзин олган қоронғу пардаларни йиртқали.

Биз эрурмиз маърифат арслонлари, илм эрлари,

Тўпланайлик турк элига тўғри йўллар очқали.¹

Фитрат учун миллат тинчлиги ва равнақи ҳар қандай қадриятлардан улуғдир. Унинг таъкидлашича, одамлар қандай дин, мазҳаб, қавм ва миллатга бўлинмасинлар, бир отанинг фарзандларидирлар, бир жинсдирлар. Демак, улар ўзаро аҳил бўлмоқлари керак.

Абдурауф Фитрат ўзининг илмий, адабий, маърифий асарларида ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини баён этди, маърифатни кенг ёйишни ўзининг виждоний бурчи деб билди.

Фитрат Ватан равнақи, халқ, миллат озодлиги, фаровонлиги учун курашди. Бу йўлда ўзи фидойилик тимсоли, намунаси бўлди, ёшлар ҳақида қайғуриб, уларни жисмонан соғлом, илм – фан соҳиби қилиб камол

¹Абдурауф Фитрат. Чин севги. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996, 37-бет.

топтириш хусусида фикр билдирди. Унинг ватанпарварлик, халқпарварлик, илм – фан тараққиёти ҳақидаги ғоялари ҳозирги давр учун ҳам қимматлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: Ўзбекистон. 2017 й.
2. Абдурауф Фитрат. Чин севги. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996 й.
3. «Хуррият» газетаси, 1917 йил.
4. Isoqulov, M. (2022). ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ КУРАША ОЛИШ ТАФАКУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 1(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4746>
5. Mamadoli Isoqulov, ФОРМИРОВАНИЕ МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЁЖИ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ – ВОСПИТАНИЯ , Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
6. Mamadoli Isoqulov, ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ЁШЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ , Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогика и психологии в современном образовании
7. Mamadoli Isoqulov, ФОРМИРОВАНИЕ МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЁЖИ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ – ВОСПИТАНИЯ , Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari